ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАЙВЕРСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 йил чиқиши

№ 227 (3965).

21 ноябрь

Пайшанба

1968 йил

Баҳоси 2 тийин.

Кеча Тошкентда Эстония адабиёти ва санъати декадаси тантанали равишда очилди.

Суратда: Алишер Навоий номли театрда Эстония адабиёти ва санъати декадасининг очилиши.

ҚАҲРАБО СОҲИЛ ҚЎШИҚЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭСТОНИЯ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Эстонияда «Заря» деган қўшиқ бор. Бу — қўшиқ ҳақидаги қўшиқдир. Эл-юртни мадҳ этувчи бу қўшиқ неча-неча йиллардан бери Балтиканинг қаҳрабо соҳилида куйланиб келинмоқда. Бу қўшиқни ҳар бир эстониялик ҳонадонида эшитасиз. Ҳар бир халқ тантанаси шу қўшиқ билан бошланади.

Эстония адабиёти ва санъати декадаси ҳам ўзбеклар диёрига айни шу қўшиқ билан кириб келди, қардош республика вакилларини Тошкентга келтирган дўстлик поезди вагонлари ёнидаёқ, шу қўшиқ янграб эшитилди.

Энди эса, шу қўшиқ эстонлар юртининг рамзи бўлган оқ қанотли эркин чайка каби «оқ олтин» ўлкасида парвоз қила бошлади. Бу қўшиқ ҳамма жойда дўстлик ва салом сўзлари билан жўр бўлиб кетмоқда. Ўзбекистоннинг меҳмондўст халқи қаҳрабо соҳил қўшиқларини олиб келган дўстларга қучоқ очиб пешвоз чиқмоқда.

...Алишер Навоий номли опера ва балет театри. Яхши анъанага кўра, қардош республикаларнинг декадалари ўзининг Ўзбекистон бўйлаб қиладиган шодиёна сафарини шу ердан бошлайди. 20 ноябрь куни бу ерда янги катта байрамнинг биринчи тароналари янгради.

Декада эмблемаси — ҳаёт, равнақ, баҳорнинг азалий тимсоли бўлган гулларга ўралган иккита давлат байроғи саҳна тепасида товланиб турибди.

Залга тўпланган кишилар Эстония вакилларини гуллар ва қарсаклар билан кутиб оладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси В. И. Клаусон, Эстония маданият министри А. И. Лаус, Эстония Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири Г. Э. Сарри, Таллин шаҳар партия комитетининг секретари Р. Э. Ристлаан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон маданият министри В. И. Зоҳидов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари президиумга чиқиб ўтирадилар. Эстония ва Ўзбекистон ижодий союзларининг раҳбарлари, таниқли адабиёт ва санъат арбоблари ҳам президиумдан жой оладилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов мажлис аҳлига мурожаат қилиб, нутқ сўзлайди.

Бугун республикамизда катта ва қувончли байрам — Ўзбекистонда эстон адабиёти ва санъати декадаси очилаётган кун, — дейди у, — қардош совет Эстониясидан келган азиз меҳмонларни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан чин кўнгилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Миллий маданиятларнинг декадасини ўтказиш мамлакатимизда ажойиб анъанага айланиб қолди. Бундай декадалар адабиёт ва санъат соҳасининг ўзи билангина чекланиб қолмаётир. Улар СССР халқлари бузилмас дўстлигининг ёркин намойишига, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари кўргизмасига айланиб кетмоқда.

Шу йил июнь ойида Эстонияда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтган эди. Декада бўлиб ўтган ҳамма жойларда — шаҳар ва қишлоқларда, балиқчиларнинг посёлкаларида, корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда декада қатнашчиларининг кўз ўнгида қардош халқ турмушида рўй берган улуғ ўзгаришлар манзараси, социалистик Эстония экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги улкан муваффақиятлар манзараси намоён бўлди.

Сиз, азиз қардошлар, бизнинг республикамизда бўлган вақтингизда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўзбекистонда рўй берган жуда катта ўзгаришлар билан, республикамиз меҳнаткашлари совет халқларининг аҳил оиласида, Ленин партиясининг доно раҳбарлигида эришган тарихий ғалабалар билан таниш оласизлар.

Ана шу ҳамма ғалабаларнинг манбаи — мустаҳкам дўстлик иплари билан боғланган Совет халқларининг бирлиги, қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамидир. Бизнинг куч-қувватимиз, бахт-саодатимиз, ҳамма ғалабаларимизнинг гарови Совет халқларининг дўстлигидадир.

Бугун мен 1966 йил баҳорида республикамиз пойтахти — Тошкент бошига тушган табиий кулфат кунлари ана шу қардошларча дўстлик ўзининг бутун улуғворлиги билан яна бир бор намоён бўлганлигини гапириб бермоқчиман. Ўша кунларда бутун кўп миллатли мамлакатимиз тошкентликларга ҳамдам бўлдилар. Қардош Эстония винокорлари биринчилар қаторида етиб келиб, Тошкентни қайтадан тиклаш ишида фидокорона меҳнат қилдилар, кўпгина шинам уй-жой бинолари қуриб бердилар. Бизнинг халқимиз буни ҳеч қачон унутмайди!

Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош Эстониянинг бунёдкорлик меҳнатига зўр қизиқиш билан қарамоқда, хўжалик ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларидаги унинг муваффақиятларига сидқидилдан қувонмоқда. Эстония адабиёти ва санъатининг бугун бошланаётган декадаси ана шу муваффақиятларнинг катта кўриги бўлади. Эстон халқи ўзининг ёркин ва беқиёс санъати билан, истеъдодли кишилари, ажойиб шоирлари ва адиблари, артистлари ва композиторлари, рассомлари ва кинематографиячилари билан шуҳрат қозонган.

Бу декада республикаларимизнинг маданий алоқаларини тағин ҳам ривожлантиришга, бир — бирларининг маданияти ва экономикаси тўғрисида тасаввурларини кенгайтиришга шак-шубҳа йўқ.

Ўзбекистоннинг театрларида ва концерт залларида, заводлари ва фабрикаларида, колхозлари ва совхозларида сиз, азиз қардошларни муштоқ бўлиб кутиб турибдилар. Биз шунга аминмизки, Ўзбекистон шаҳарлари ва районларида бўладиган кўпгина ижодий учрашувларингизда ва сафарларингизда сизлар кўпгина янги саминимий дўстлар ҳамда эстон халқининг бой ва ўзига хос санъатининг, талантингизнинг мухлисларини орттирасиз. Азиз дўстлар, қуёшли Ўзбекистонимизга, бахтиёр ва нурли ҳонадонимизга, азалдан санъатни — қўшиқларни, рақсларни, музиқани, халқлар дўстлигини, жаҳонда тинчликни ва бахт-саодатни таранум қилган, адабиётни севган ва севиб келаётган диёримизга хуш келибсиз.

Декаданинг бошланишига бағишланган тантанали кеча очиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи, Эстония ва Ўзбекистон давлат гимнлари янграйди.

Минбарга СССР халқ артисти Олим Хўжаев чиқади. У Эстониядан келган дўстларга ва ижодкор биродарларига самимий салом топшириб, мезбонларга ҳам, меҳмонларга ҳам шак-шубҳасиз фойда келтирадиган ана шундай декадалар вақтида бўладиган учрашувларнинг аҳамияти тўғрисида гапирди. Ўзбек адабиётчилари ва санъат арбоблари Эстонияга борганларида ҳам шундай бўлган эди. Эндиликда, Эстония декадаси кунларида ҳам шундай бўлиши шак-шубҳасиздир.

Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси В. И. Клаусонга сўз берилади.

Сизнинг меҳнат шон-шуҳрати билан бой бўлган ажойиб диёрингизда биз, Совет Эстониясининг вакилларига кўрсатилган меҳмондўстлик учун ташаккур ҳисларини сўз билан ифода қилиш амри-маҳолдир, — дейди Эстония делегациясининг бошлиғи.— Биз бу шодиёна меҳмондўстликда меҳнат аҳлини катта аҳил оилага бирлаштирадиган марксча-ленинча ғоялар тантанасининг ёркин намойишини кўрамиз, биз бу меҳмондўстликда партиямиз ўтказаётган ленинча миллий сиёсатнинг тантанасини кўрамиз.

Биз сизлар билан бўлаётган ҳозирги учрашувимизни муштарак максадлар, идеологиямизнинг муштараклиги, социалистик санъат принципларининг муштараклиги билан бирлашган яқин дўстларнинг учрашуви деб, биламиз.

Бундан беш ой муқаддам. Эстонияда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтаётган кунларда бизнинг халқимиз талантли ўзбек халқининг ўзига хос гўзал, бенҳоя бой санъати билан яқиндан танишиб, ғоят зўр эстетик завқ олган эди. Шу кунларда биз сизларнинг ёзувчиларингизни, оҳанграбо қўшиқларингиз ва мўъжизакор рақсларингизни тағин ҳам яхшироқ билиб олдик ва тағин ҳам кўпроқ севиб қолдик.

Бугун мен Эстония Компартияси Марказий Комитети, Эстония ССР Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан, республикамизнинг барча меҳнаткашлари номидан сизларга ва сизлар орқали бутун ўзбек халқига энг самимий қардошлик ва дўстлик ҳис-туйғуларини зўр шодлик билан изҳор қиламан. Эстон халқи Балтика соҳилларидан декадага келган ўзининг энг яхши маданият ва қалб ҳароратини йўллайди.

Дўстлик масофани писанд қилмайди дейдилар. Бизларнинг республикаларимизни минглаб километр масофа ажратиб турган бўлса ҳам, тилимиз, урф-одатларимиз ва турмушимиз турлича бўлса ҳам, Эстония билан Ўзбекистоннинг тақдири бир-бирига жуда ўхшаб кетганлигини айтмасдан ўта олмаймиз. Ўтмишда эстон халқи ҳам, ўзбек халқи ҳам чет эл фотиҳларининг асоратида азоб чекиб келганлар. Чор империяси даврида халқларимиз ҳуқуқсизлик ва муҳтожлик шароитида кун кечирдилар. Иккала халқимиз 1917 йил октябрида озодликка чиқди. Лекин беиҳтиёр мураккаб халқаро вазият туфайли Ўшанда Эстониядаги Совет ҳокимияти узоқ яшай олмади. Бирок орадан бир йил ўтгач, 1918 йил ноябрида Эстония меҳнаткашлари яна ўзларининг халқ ҳокимиятини ўрнатдилар ва совет республикаси бўлган Эстлянд меҳнат коммунасини барпо этдилар. Шу республиканинг эллик йиллигини биз 29 ноябрда нишонлаймиз. Аммо бу республика ҳам узоқ яшай олмади. Маҳаллий буржуазия капиталистик давлатларнинг актив ёрдами билан эстон халқини 22 йилгача Совет Иттифоқининг бошқа халқларидан ажратиб турди.

1940 йилда Эстония меҳнаткашлари буржуазия ҳокимиятини ағдариб ташлаб, Совет ҳокимиятини ўрнатдилар. Ўшандан бери халқларимиз ёнма-ён туриб, барча совет халқлари билан қардошларча ҳамдўстликда яшаб келмоқдалар. Улуғ Ватан уруши кунларида мард совет жангчилари, шу жумладан эстон ва ўзбек халқларининг вакиллари ҳам фашист босқинчиларга қарши қаҳрамонона жанг қилдилар. Уруш йилларининг оғир дамларида ўзбек халқи Эстонияга қандай ғамхўрлик қилганлигини унутганимиз йўқ. Бизнинг жуда кўп кишиларимиз — уруш дастидан ўзларининг жонажон уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган болалар, аёллар ва кексалар ўзбеклар диёрида хурсандчилик билан кутиб олинди ва уларга бошпана берилди.

Урушдан кейинги йилларда халқларимизнинг дўстона алоқалари тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди ва кенгайди. Совет Иттифоқи республикалари орасида тўртинчи ўринни олиб турган бизнинг ип-газлама саноатимиз ўзига керакли пахтанинг 80 процентини Ўзбекистондан олиб турибди. Биз қардош Ўзбекистондан тўқимачилик корхоналарининг машина — ускуналарини, экскаваторлар, қўтарма кранлар, кабель, қора-қўл, туршак ва бошқа кўпгина маҳсулотлар олмоқдамиз. Эстония эса ўзбек дўстларга электр моторлар, ўлчов асбоблари, қоғоз, газлама, пойафзал ва бошқа буюмлар юбормоқда. Қардош республикалар ўртасидаги бундай ўзаро иқтисодий алоқалар Совет Социалистик экономикасини тез ва уйғун равишда ривожлантиришнинг муҳим шартидир.

Мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги Тошкентдаги фожиали зилзила кунлари айниқса равшан намоён бўлди. Барча иттифоқдош республикаларнинг вакиллари Ўзбекистоннинг гўзал пойтахтини қайтадан қуришда мард тошкентликларга ёрдамга келдилар. Бизнинг республикамиз намояндалари ҳам шаҳрингизни тиклашга камтарин ҳисса қўшганликларидан ҳурсандмиз.

Ҳозирги совет Ўзбекистони мамлакатимизнинг энг катта индустриал районларидан бири эканлигини, мамлакатнинг пахта, ипак ва қорақўл етиштириб берувчи асосий базаси эканлигини биламиз. Ўзбекистонда маданий инқилоб амалга оширилганлиги натижасида бу ерда кўпдан-кўп илмий тадқиқотлар, олий ўқув юртлари, мактаблар, театрлар, клублар, кутубхоналар вужудга келтирилган. Коммунизмнинг актив винокори бўлган янги киши вояга етди.

Шу кунларда бутун прогрессив инсоният тарихий юбилей — партиямиз билан давлатимизнинг асосчиси улуғ Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига тайёргарлик кўрмоқда. Эстония меҳнаткашлари ана шу шонли санани муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, ўз зиммаларига катта мажбурият олишган. Адабиёт ва санъат арбобларимиз ҳам шонли айёмга жонбозлик билан тайёргарлик кўрмоқдалар.

Биз артистларимиз, ёзувчиларимиз, рассомларимиз, композиторларимизнинг муваффақиятларини кўрсатиш билан бирга ўзимиз ҳам ўзбек халқининг ранг-баранг ҳаётини кўриш, унинг қадимий ва бой маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлганлигимиздан хурсандмиз. Ана шу ўзаро алоқалар Совет Иттифоқи халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига хизмат қилишига аминмиз.

Чинакам қардошларча, дўстона кутиб олинганликлари учун В. И. Клаусон эстон халқи номидан қизғин миннатдорчилик изҳор қилди. У Ўзбекистон меҳнаткашларига Эстония амалий санъат усталарининг асарларини дўстлик тимсоли сифатида совға қилиб топширди.

...Эстония радиоси ва телевиденесининг позивной музикаси янграйди. Шу кундан бошлаб ўн кунгача Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида шу музика эшитилиб туради. Декадани очишга бағишланган катта концерт бўлди.

С. ФРОЛОВА,
Г. ЛИПШИЦ

Ўзбекистон телеграф агентлиги муҳбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

20 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Эстония ССР адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари билан учрашув бўлди.

Учрашувда Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси В. И. Клаусон, Эстония маданият министри А. И. Лаус, Эстония Компартияси Марказий Комитети фан ва маданият бўлимининг мудири Г. Э. Сарри, Таллин шаҳар партия комитетининг секретари Р. Э. Ристлаан, Эстония композиторлар союзининг раиси Б. В. Киррер, Эстония ССР Министрлар Совети кинематография давлат комитетининг раиси Ф. И. Лийвик ва эстониялик бошқа меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қардош республика вакилларини чин кўнгилдан табриклади. У, меҳмонларни Ўзбекистон меҳнаткашларининг турмуши билан таништирди, декада қатнашчиларига катта муваффақиятлар тилади.

Эстония ССР Министрлар Советининг Раиси В. И. Клаусон декаданинг барча қатнашчилари номидан гапириб, Эстония адабиёт ва санъат арбоблари ўзбеклар диёрида шодиёна кутиб олинганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика ҳукуматига катта миннатдорчилик изҳор қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Пахта тайёрлаш юзасидан 1968 йил учун ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидагилар область Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.

БУКА РАЙОНИ БУЙИЧА

«Партия XIX съезди» колхози (раиси **А. Абдужабборов**, партия ташкилотининг секретари **Ж. Сиддиқов**, бош агрономи **А. Ҳожиқулов**, бош инженери **Р. Маннёзов**, комсомол ташкилотининг секретари **Ю. Маҳмудов** ўртоқлар).

Жамбул номли колхоз (раиси **М. Иброҳимов**, партия ташкилотининг секретари **З. Сайдимов**, бош агрономи **А. Ҳайдаров**, бош инженери **Г. Абдуғаниев**, комсомол ташкилотининг секретари **М. Панжиев** ўртоқлар).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 20 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Пахта тайёрлаш		Машина терими	
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
Юқори Чирчиқ	0,01	102,80	—	152,75
Бўка	0,22	102,66	0,04	99,24
Оққўрғон	0,05	101,03	—	104,68
Ўрта Чирчиқ	0,13	96,79	—	96,65
Бекобод	0,28	91,74	0,02	85,56
Янгийўл	0,22	87,72	—	89,04
Оржоникидзе	0,76	79,47	—	90,30
Область бўйича:	0,18	96,54	0,01	98,69

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИГА ТАЙЁРГАРЛИК

БУДАПЕШТ, 18 ноябрь. (ТАСС). Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашига тайёргарлик комиссияси бугун Будапештда ўз ишини бошлади.

Комиссия мажлисларида қатнашаётган 66 партиянинг вакиллари тайёргарлик комиссиясини чақириш тўғрисида Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг ахборотини яқдиллик билан маълумот учун қабул қилдилар ва кун тартибига қўйиладиган масалаларни муҳокама қила бошладилар.

СЕКРЕТАРЬ НЕГА САЙЛАНМАДИ?

Доклад тугади. Залга бир дам, оғир жимлик чўкди. Лекин мажлис раиси:

— Докладчига саволлар борми? — дейиши билан залда яна жонланиш кучайди.

Коммунистлар ўз ташкилотларига тушган доғнинг сабабларини билишни исташарди ахир, совхоз йиллик планни бажармаётир, даромад пасайиб, меҳнат интизоми бўшашиб кетмоқда.

—Айтинг-чи, далаларимиздан яна қанча сабзавот чиқиши мумкин?

— Нима учун ёқилғи кўп сарф қилинди? Бу масала билан партия комитети шуғулландими?

— Докладда халқ контроли группасининг фаолияти тўғрисида нега атрофлича тўхталмади?

Ниҳоят, ўрта қатордан нуроний отахон Убайдулла Салохов савол бериб қолди:

— Қачон қараманг, «Назарбек» орқада. Бу қолоқлиқнинг сабаблари нимада?

Совхоз партия комитетининг секретари Ўртоқ С. Эргашев коммунистларнинг шу сингари саволларига қаноатланарли жавоб беролмади. Айтилган гаплар қуруқ чиқиб қолди, негаки, совхоз партия комитети ўз ишини планли равишда олиб бормай, кишилар билан ишлаш, ёш коммунистларни тарбиялаш, партия аъзоларининг топширилган ишга масъулиятини ошириш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этишда мутахассис кадрларнинг ролини кучайтириш масалалари билан жиддий шуғулланмаганлар, кейин ишлар ўлда-жўлда бўлиши аниқ-да!

«Назарбек» совхози партия ташкилоти 150 коммунистни бирлаштирган. Бошлангич партия ташкилоти хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий участкалари — 8 жойда иш олиб бораяпти. Булар — жуда катта куч, албатта. Лекин шуни айтиш керакки, партия комитети бошлангич ташкилотларнинг ишчанлигини кучайтириш, кадрларни тўғри танлаш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш масалаларини эътибордан четда қолдирди, кундалик ишлар билан ўралашиб, хўжалик олдида турган муҳим масалаларга кам аҳамият берди.

Бу, кадрлар билан ишлашда яққол кўринди. Партия ташкилоти звено, бригада, участка ва бўлим бошлиқларини тасдиқлаб, ишга қўйиш билан чекланган. Улар ўзларига топширилган ишни қандай бажараётганликларига партиявий баҳо берилмаган, камчиликларнинг олди олинмаган.

Коммунист Эргаш Орзиев бошлиқ биринчи бўлимни олайлик. Бу коллектив картошка, қовун-тарвуз етиштириш планларини бажара олмади. Давлатдан кўплаб миқдорда сабзавот қарадор бўлиб қолди. Бўлим бошлангич партия ташкилоти (секретари ўртоқ А. Гулмирзаев) меҳнат унумдорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳосилдорликни кўтариш чораларини кўрмади. 2, 3, 4-бўлимларда ҳам шу каби аҳволни кўриш мумкин.

Партия ташкилоти ишончини оқлай олмаётирлар.

Партия ташкилоти сафларини ўстириш билан ҳам кам қизиқилди. Ҳисобот даврида 1-бўлим (секретари Н. Абдуллаев), марказий ремонт устахонаси (секретари Р. Тенчурина) ва марказий бўлим бошлангич партия ташкилотлари илғор ишчиларни партия сафига қабул қилиш билан мутлақо шуғулланмаганлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, партиявий интизом аввало комитет аъзолари ўртасида бўшашиб кетган. Чунончи, партия комитетининг аъзоси Н. Абдуллаев топшириқларни бажаришда сусткашлик кўрсатди. Ўртоқ С. Баратов бўлса ишчилар комитетига раҳбарликни бўшаштириб, мусобақани ташкил этиш, коммунистик меҳнат ҳаракатини авж олдиришга, ишчи ва хизматчиларни хўжалик вазифаларини бажаришга сафарбар этишга жиддий ёндошмаган.

Совхоз партия комитетининг коммунистларни, барча меҳнаткашларни қоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги фаолиятида ҳам бир қатор камчиликлар юз берган.

«Назарбек» совхози партия ташкилотининг ҳисобот йиғилишида коммунистлардан У. Салохов, Т. Исломов, Н. Султонбеков, Ў. Каримшоев, Р. Тенчўрина, А. Ортиқов, Ж. Носиров ўртоқлар сўзга чиқиб, оқсашнинг асосий сабабларини кўрсатиб ўтишди.

Партия комитетининг янги сайланган состави шу куни ташкилий йиғилиши ўтказди. Ўртоқ Ғ. Дўсканаев совхоз партия комитетининг секретари қилиб сайланди.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.
Калинин райони.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Яна бошқа бир мисол. Совхозининг «Октябрь» участкасига коммунист К. Ортиқов бошлиқ қилиб тайинланган эди. Бу ўртоқ ўзига топширилган ишни уддалай олмади, давлат планлари бажарилишини таъминламади. Шунда ҳам ундан масъулият талаб қилинмай, осонгина ишдан бўшатилди, холос.

Шундай аҳвол 3-бўлимнинг 6-бригадасида ҳам юз берди. Олий маълумотли агроном, коммунист Р. Бухорбоев бригадир қилиб тайинланди.

Кўпчилик билимли, малакали коммунист бригадани қолоқликдан чиқаради, деб ўйлаган эди. Лекин иш кутилгандек бўлмади. Бригада плани 45 процентда қолиб кетди.

Совхоз партия ташкилотининг йиллик ҳисобот-сайлов йиғилишида докладчи ўртоқ С. Эргашев шу каби камчиликлар ҳақида узоқ гапирди. Таажжубланарлиси шундаки, партия комитети йил бўйи бу нуқсонлар билан келишиб келган, коммунистларда ўз вазифасини бажаришга масъулиятни кучайтирмади. Ҳисобот мажлисида эса камчиликлар атрофлича таҳлил қилинмади.

Бу докладда айниқса, партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишлар юзаки ёритилишида ҳам очиқ-ойдин кўринди. Жумладан, партия комитети маҳсулот ишлаб чиқаришни кучайтириш, таннархни арзонлаштиришда коммунистлар ўрнак кўрсатишларини таъминлай олмаган. Х. Аҳмедов, У. Есеркепов, Т. Султонов, А. Нормуҳамедов, Т. Рисдавдатов каби коммунистлар партия ташкилоти ишончини оқлай олмаётирлар.

Партия ташкилоти сафларини ўстириш билан ҳам кам қизиқилди. Ҳисобот даврида 1-бўлим (секретари Н. Абдуллаев), марказий ремонт устахонаси (секретари Р. Тенчурина) ва марказий бўлим бошлангич партия ташкилотлари илғор ишчиларни партия сафига қабул қилиш билан мутлақо шуғулланмаганлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, партиявий интизом аввало комитет аъзолари ўртасида бўшашиб кетган. Чунончи, партия комитетининг аъзоси Н. Абдуллаев топшириқларни бажаришда сусткашлик кўрсатди. Ўртоқ С. Баратов бўлса ишчилар комитетига раҳбарликни бўшаштириб, мусобақани ташкил этиш, коммунистик меҳнат ҳаракатини авж олдиришга, ишчи ва хизматчиларни хўжалик вазифаларини бажаришга сафарбар этишга жиддий ёндошмаган.

Совхоз партия комитетининг коммунистларни, барча меҳнаткашларни қоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги фаолиятида ҳам бир қатор камчиликлар юз берган.

«Назарбек» совхози партия ташкилотининг ҳисобот йиғилишида коммунистлардан У. Салохов, Т. Исломов, Н. Султонбеков, Ў. Каримшоев, Р. Тенчўрина, А. Ортиқов, Ж. Носиров ўртоқлар сўзга чиқиб, оқсашнинг асосий сабабларини кўрсатиб ўтишди.

Партия комитетининг янги сайланган состави шу куни ташкилий йиғилиши ўтказди. Ўртоқ Ғ. Дўсканаев совхоз партия комитетининг секретари қилиб сайланди.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.
Калинин райони.



Тошкент ГРЭСида ҳар куни миллионлаб киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилади. Ана шу электр қувватидан қанчадан-қанча корхоналар куч олади, шаҳар ва қишлоқлар нурга тўлади. Ана шундай шарафли касбни эгаллаганлардан бири Ҳамида Маҳмудбековадир. Суратларда: (юқорида) ГРЭС подстанциясида. (ўнгда) Илғор навбатчи Ҳамида Маҳмудбекова.

ИЗЛАНИШ

Сиртдан қараганда, бу одамлар бир-биридан кам фарқ қилади. Уларнинг ҳаммаси — ишлаб чиқариш илғорлари, изланувчан, тиниб-тинчимас кишилар. «Ташавтомаш» заводида улар кўпчилик.

— Рационализаторларимиз, — дейди завод бош инженери Александр Барабашин фахр билан, — техника тараққиётини юксалтириш, металлни тежашда ўз салмоқли ҳиссаларини қўшишяпти. Яқинда корхонада доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги шарафига рационализаторлик ва ихтирочилик кўриги ўтказиш бўйича комиссия ташкил қилинди. Шу кунларда ҳар бир цех ва бригадада «Резервларни тўла ишга соламиз» шиори остида изланиш кучайиб кетди.

Биз 2-механика цехига кирганимизда буни яққол ҳис қилдик. Юзлаб прицепларга деталлар йўналтирилган ишчилар станоклар ёнида бирон дақиқани бекор кеткизмай меҳнат қилишмоқда.

Участкалардан бирида мастер Д. Третьяков билан суҳбатда бўлдик. У яқиндагина Л. Олех билан ҳамкорликда қимматли таклифни ишлаб чиқаришга жорий қилишди. Резьба очадиган станокка деталь қўйиладиган таянч кашф этишди. Бу, аввало, иш вақтини тежайди. Йилига 423 минг сўм маблағ иқтисод қилиш имконини беради.

3-пресслаш цехида кўпроқ тўхтаб қолдик. Иш бир меёрда. Меҳнатни ташкил этишда бу цех корхона бўйича бечиз биринчи ўринни эгалламаган. Бу ерда рационализатор бурчаги жуда яхши жиҳозланибди. «Қолоқ жой»лар алоҳида белгилаб қўйилибди. Демак, рационализаторлар кўпроқ ана шу ҳақда бош қотирадилар.

Корхонада қисқа вақт ичида 93 та ихтирочилик ва рационализаторлик таклифи жорий этилиб, 92 минг сўмдан кўпроқ маблағ иқтисод қилинди.

Новаторлар изланишни давом эттиришяпти. Ҳозир корхонада Ереван компрессор заводининг тажрибаси ўрганилмоқда.

Ихтирочилар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига шарафига янги мажбурият олишди. 425 та таклифни амалга ошириш, камида 415 минг сўм маблағни тежаб қолишга аҳд қилишди.

Д. ГАТАУЛЛИН,
«Ташавтомаш» заводи.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ИЛҒОР БРИГАДАЛАР

Т. Муҳамадаминов ва В. Тушин ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари 1-қурилиш бошқармасидагина эмас, балки 153-трест коллективи орасида юксак кўрсаткичларга эришаётган илғор коллективлардан. Улар ойлик планларини доим 120—130 процентдан ошириб адо этишмоқда.

Айниқса, Т. Муҳамадаминов бошчилик қилаётган гишт терувчилардан М. Мирзоидов, С. Қўчқоров, Ф. Боқиевалар меҳнатда намуна кўрсатишаяпти. В. Тушин раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаси азаматларининг иш кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. И. Камолов, Ф. Ҳусанов, В. Безруков ўртоқлар каби бригада аъзолари яқинда «Социалистик мусобақа ғолиби» деган значокни олишга муваффақ бўлдилар. Бригада бошлиғи В. Тушин «Тошкент бинокори» кўкрак нишони билан тақдирланган. Коллективнинг ҳар бир аъзоси икки-уч ҳунар эгаси.

ЯНГИ СТАДИОН

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган 65-қурилиш бошқармасининг ўртоқ Б. Алиқулов бошлиқ бригадаси катта-катта меҳнат зафарларини қўлга киритаяпти. Азаматлар ҳозир 153-қурилиш трести коллективи учун янги стадион қурилишида баракали ишлаяпти.

Стадион 1000 ўринли бўлиб, унда футбол, волейбол, баскетбол ва бошқа спорт турлари майдони бўлади. Бу ерда қурилиш ишлари паёнига етай деб қолди. Бригаданинг Б. Ғуломова, В. Раҳимов, С. Тўраев сингари пешқадам қурувчилари стадионни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун курашнинг олдинги сафида бормоқдалар, норматив икки баравар етказиб адо этишяпти.

Э. ПЎЛАТОВ.

ИШ МУВАФФАҚИЯТИ ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНАДИ

Республикадаги энг йирик лойиҳалаш институти — «Узгоспроект» коллективи қурилиш жараёнини жадаллаштириш ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Институт коллективи В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги шарафига бошланган мусобақада ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажара бориб, лойиҳалаш ишлари йиллик плани муддатидан олдин бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди. Бу эса эски шаҳарларни реконструкция қилиш ва янги шаҳарлар қуриш бош планлари, Тошкент, Самарқанд, Урганч, Нукус, Қарши ва республиканинг бошқа шаҳарлари ҳуснига ҳуснга қўшадиган уй-жой кварталлари, театрлар, туристик базалари, нобоб ишшоотларнинг лойиҳалари қурилишларга муддатидан олдин етиб борди демакдир.

Институт йил бошидан буён планда белгиланган 310 объект ўрнига 375 объектда иш олиб борди. Шу билан бирга лойиҳачиларнинг иқтидорли коллективлари 254 объектга материалларни графикда белгиланганидан олдин, қолган 119 объектга белгиланган муддатда етказиб бердилар.

«Узгоспроект» коллективи йил охиригача беш йиллиқнинг тўртинчи йилида қурилиш ишларини олиб бориш учун яна бир қанча материаллар тайёрлаш мажбуриятини олди.

(ЎзТАГ).

Янгийўлдаги «Нормал» заводи коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан қутиб олиш учун қурашмоқда. Улар йил охиригача пландан ташқари 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Суратда: корхонанинг энг илғор ишчиларидан бири, шу кунларда 1969 йил ҳисобига қишлаётган ўртоқ Ф. Сулаймонов.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

МЕЪМОРЧИЛИК—САНЪАТ

Қўқон республикалик архитектор дўстим шаҳримизга ташриф буюрди. У бундан 2 йил муқаддам, зилзила бўлиб турган машаққатли дамларда ҳам меҳмон бўлган эди. Ҳамкасбим пойтахтимиз кўчаларини айланар экан, ҳайратини яширолмай «Оббо, сизларей!» деб қўяр эди.

Пойтахтимизда катта ўзгаришлар рўй бергانлигини бу ерда икки-уч йил бўлмаган киши яққолроқ тасаввур қилади, албатта.

Тошкентда зилзила рўй берганга қадар етти миллион квадрат метрдан знёдроқ турар-жой майдони бор эди, шундан уч миллион квадрат метрга яқини бузилди ва яроқсиз қолга келди. Шундан бери ўтган икки йилдан мўлроқ вақт мобайнида қурилиш қўлами кескин ошиб кетди.

Ватанимизнинг барча республикаларидан, Москва ва Ленинград шаҳарларидан келган бинокорлар пойтахтимиз қурувчилари билан қўлни-қўлга бериб ишлашлари натижасида икки ярим миллион квадрат метр сатҳли турар-жой бунёд этилди. Қанчадан-қанча саноат корхоналари, мактаб, болалар боғчалари, маданий-маиший муассасалар, йўллар қурилди, яшил ҳиёбонлар барпо қилинди.

Шаҳримиз марказига бир назар ташланг-а, бинокорларимизнинг мўъжизакорлигига таҳсинлар ўқийсиз. Замонавий ва кўркам Санъат саройи, Ҳамза номли театр биноси, «Ёшлик» спорт саройи, «Россия» ва «Космос» меҳмонхоналари, «Гулистон» ресторани, республика «Билим» уйи, марказий универмаг биноси, Ленин номли майдонинг қурилишлар комплекси бинокорларнинг кейинги йиллар ичидаги меҳнатлари маҳсулидир.

1965 йилга қадар йилига 350—400 минг квадрат метр турар-жой қурилаётган бўлса, ҳозир 1 миллион квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилмоқда. Беш йиллик план бўйича 1970 йилгача 6 миллион квадрат метр турар-жойлар қурилиши мўлжалланган. Демак, бешйилликда Тошкентда зилзилагача мавжуд бўлган турар-жой майдонига деярли тенг миқдорда иморат қурилади.

Касбим архитектор бўлгани учун шаҳримизнинг меъморий санъати ва унинг ютуқ ҳамда камчиликлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Пойтахтимиз қурилишни икки навбатда олиб бориш мўлжаллаган.

Биринчи навбатда шаҳарнинг марказий қисми қуриб битказилади. Марказий қурилиш зонасида асосан маъмурий-хўжалик биноолари қад кўтаради. Спорт комплекси, ҳиёбонлар, ҳам қуриш мўлжалланган. Биноолар қаторлаштириб қурилмайди, балки оролча усулида тикланади. Яъни ҳар бир қурилиш комплекси атрофида яшил зоналар бўлиб, мазкур биноолар ям-яшил боғ-роғлар орасидаги «оролдек» бўлиб туради. Ҳозирчалик улкан биноолар ёнверига ўтказилган дарахтлар ёш бўлганлигни учун бу нарса кўзга ташланмайди.

1980 йилга бориб шаҳарда жон бошига 30 квадрат метр яшил зона тўғри келади. Шунга яраша водопровод, ариқ-зовурлар ҳам қазилмоқда. Ҳозир киши жон бошига 400—500 литр сув тўғри келаётган бўлса, 1980 йилларга бориб 700 литрга етади. Пойтахтимизнинг ўзида ва шаҳар атрофида 65 минг гектар яшил зона, 25 минг гектар боғ ташкил этилади. Келтирилган бу рақамлар шаҳар қурилиши Бош планида ўз аксини топган.

Шаҳримизда кўп қаватли биноолар қурилиши давом этаверади. Бироқ, бу биноолар қўлами бутун қурилишнинг 10 процентидан ошмайди. Кўпгина мутахассислар пойтахтга 9—16 қаватли иморатлар қуриш мумкинлиги ҳақида гапирмоқдалар. Дарҳақиқат, баланд биноолар зилзиладан унча зарар кўргани йўқ. Қайтага пастак кўҳна биноолар ишдан чиқди. Ҳозир бу проблема устида ишланмоқда.

Монументал ва уникал биноларни қуришда миллий меъморчилик санъатидан фойдаланишга катта аҳамият бермоқдамиз. Республикамизда гранит, мармар ва бошқа пардозбоп тошлар сероб. Маҳаллий саноатимизда кулолчилик санъати ҳам ривож топган. Биз қурилишларимизда ана шу иқтидор тошлардан, сопол плиткалардан кенг фойдаланишни планлаштирганмиз. Қадимий меъморчилик санъати намуналарини ҳозирги замон архитектура услубига боғлаб олиб бориш яхши натижалар бермоқда. Яқиндагина фойдаланишга топширилган республика «Билим» уйи бинони қадимий архитектура анъаналарига ва ҳозирги замон архитектурасига амал қилиб қурилган.

Кўчалар ва ҳиёбонлар шаҳар ҳусниини очадиган воситалардан ҳисобланади. Бош планда шаҳар марказида, шунингдек массивларни туташтирадиган кенглиги 80 — 140 метрли равон кўчалар очиш мўлжалланган. «Дружба» проспекти, «Самарқанд дарвоза», Черданцев, Титов номли кўчалар 1970 йилгача жуда ҳам гўзал қиёфага киради.

Массивлар қурилишида ҳозирги бир хилликка барҳам берилади. Турар-жой биноларини турли қатор қуриб кетаверишни аҳолининг эстетик талабига жавоб бермайди. Уларни айвонларини қуёшга қаратиб, бир-биридан яшил зоналар билан ажратган ҳолда қуриш зарур.

Пойтахтнинг Октябрь ҳамда Ҳамза районларида маҳалла типидаги микрорайонлар барпо этиш кўзда тутилмоқда. Бу иш билан эксперименталь лойиҳалаш Тошкент зонал илмий-текшириш институти мутахассислари шуғулланмоқдалар.

СССР Госстройнинг бир группа мутахассислари яқинда Тошкентда бўлиб, пойтахт қурилишлари билан танишдилар. Улар шаҳар бош плани тўғрисида яхши фикрлар айтишди. Госстрой аппаратининг Тошкентда бўлиб ўтган кўчма мажлисида шаҳар қурилишда йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳақида батафсил тўхтаб ўтилди.

Чунончи, шаҳар марказида қурилаётган кўп қаватли биноолар, шунингдек, массивларда қурилаётган турар-жойларнинг ташқи қиёфалари бир хил. Айниқса, тўрт-беш қаватли уйларнинг амалдаги лойиҳалари Ўрта Осиёнинг иқлимий социологик ҳамда демографик талабларига яхши жавоб бераолмаётганлиги ҳаммамизга маълум. Пойтахт жамоатчилиги бу тўғрида эътирозлар билдираётганлиги ҳам бежиз эмас. Шаҳримизнинг лойиҳачилари, меъморлари, аҳолининг бу ҳақли талабини чуқур ўрганишлари ва ўзларининг фаолиятларида ана шу талаблари ҳисобга олишлари керак.

Пойтахтимиз қурилишлар шаҳрига айланиб қолди. Бу ҳали ишнинг бошланиши. Шаҳар қурилиши йил сайин ривожланавериди.

Янги йилдан бошлаб ҳамма шаҳарларимиз яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўладилар: метро қурилиши бошлаб юборилади. Шу кунларда шаҳримиз меъморлари барча совет кишилари қатори В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олиш учун қурашмоқдалар. Буюк санани шаҳримизни янада обод қилиш билан қутиб оламиз.

Ф. ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар бош архитектори.

ИНСТИТУТ ОТАЛИҒИДА

Тошкент халқ хўжалиги институтининг профессор-ўқитувчилар коллективи ибратли ишга қўл урди. Олий ўқув юрти ташаббуси билан Чилонзор районидаги «Зарафшон» маҳалласи институт оталиғига олинди.

Оталик ташкилот бир қатор яхши тадбирларни амалга оширди. Маҳаллада савол-жавоб кечалари ўтказиш одат тусига кириб қолди. «Ота-оналар кечаси»ни уюштириш мақсадида тематик планлар ишлаб чиқилди.

Институт коллективи улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан белгилаган иш планида маҳаллада маданий-оқартув ишларини йўлга қўйиш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар ўтказиш кўзда тутилди.

Келгусида бу ерда янги халқ университетлари ҳам ташкил топади.

Тошкент шаҳридаги 15-шифохонанинг 1-асаб касалликлари бўлимига янги замонавий медицина асбоблари келтирилди. Суратда: медицина фанлари доктори, профессор А. Раҳимжонов ва ассистент С. Турғунов ўртоқлар янги аппаратни синаб кўришмоқда.

А. Тўраев фотолари.

Суратда: (чапдан ўнгга) лаборатория технологи Дилбар Обидова ва микробиолог Вилоят Тўхтахўжаевалар мороженоенинг сифатини текширишмоқда.

Автор фотоси.

ТЕХНИКА ШАРОФАТИ

Пойтахтимиздаги хладокомбинат бундан 27 йил муқаддам ташкил этилган эди. Бу корхона эндиликда замонавий дастгоҳлар билан бойиди.

Мороженое фабрикаси, компрессор цехи, чучвара, цехлар қурилди.

Компрессор цехи комбинатнинг «юраги» ҳисобланади. Бу ерда «АКП-56» маркали янги компрессорлардан бир нечаси ишлаб турибди. Еттита ана шундай компрессор бир миллионта «ЗИЛ» холодильникнинг қувватига тенг.

Мороженое фабрикасида ҳам замонавий дастгоҳлар ишчилар оғирини енгил қилмоқда.

Авволлари цехда ҳар куни бор-йўғи 7—8 тонна маҳсулот ишлаб чиқариларкан. Эндиликда цехга учта пастеризациялаш машинаси келтирилибди. Ҳозир ҳар куни 25 тоннага етказиб мороженое тайёрланмоқда.

Мороженоега бўлган талаб тобора ортиб бораётгани маълум. Аммо, цех ҳозирча бундай кўп маҳсулот ишлаб бериш қувватига эга эмас. Яқин ойлар ичида цехни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Германия Демократик Республикасидан учта қўшимча линия олингач, вафли стаканларида ҳам мороженоепар ишлаб чиқариладиган бўлади. Чучвара цехида ҳам асосий иш механизмлар зиммасида. Қиймаланган гўштни хамирга ўраш ва кесиш ишларини «СУ-3» маркали машина бажармоқда.

Замонавий техника ишчиларга роҳатда қўл келмоқда. Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати тобора кенгаймоқда. Энг сўнгги етти ихтиро туфайли 4,9 минг сўм маблағ иқтисод қилинди. В. Хван ва А. Бородаев ўртоқларнинг конденсаторларни ювишда сув системаси схемаларини ўзгартириш ҳақидаги таклифлари айниқса қимматли бўлди.

Комбинатда техника янгиликларидан самарали фойдаланиш, натижасида меҳнат унумдорлиги уч баравар ошди. Йил охиригача яна пландан ташқари бир неча тонна чучвара, ўнлаб тонна мороженое, савдо точкаларида фойдаланиш учун 100 тоннадан знёд муз тайёрланиши лозим. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳаракатида С. Мулламетова, О. Маллабоева, А. Митрафанова, А. Русанова, Ленин орденли Клавдия Горшкова каби мороженое усталари комбинатда пешқадамлик қилишяпти.

П. НИШОНОВ.

МАРД БЎЛСАНГ ЎЗИНГНИ ПАХТА МАЙДОНИДА КЎРСАТ

Яна 11 минг тонна пахта топширсак, план бажарилади. Бу ҳосил далада, чаноқларда. Ҳар қандай шароитда ҳам пахта тайёрлашни сусайтирмайлик. Сўнгги тонналар учун, маррага тезроқ етиш учун курашга!

Оққўрғондаги Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг илғор механизаторларидан бири Худойберган Эргашев ҳарқачонгидек бу йилги мавсумда ҳам машинани моҳирлик билан бошқарди. У мавсум нормасини аллақачон ортиғи билан бажариб қўйган. Суратда: ўртоқ Х. Эргашев.

С. Махов фотоси.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Колхозимизда сўнгги йилларда пахтадан олинадиган ҳосил деярли икки баравар ошди. Пахтачиликни комплекс механизациялаш, айниқса, ҳосил йиғим-теримини машиналаштириш натижасида колхозимиз илғор хўжаликлар қаторидан ўрин олди.

Тўрт йилдирки машинадан унумли фойдаланиб, йил сайин янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқдамиз.

1964 йилгача хўжалигимиз пахтачиликдан зарар кўриб келарди. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 15—16 центнердан ошмасди. Пахтачиликда масъулиятли давр бўлган йиғим-терим давридаги ишлар асосан қўл кучи билан бажариларди.

1965 йилдан бошлаб пахтачилик рентабеллик даражасига кўтарила бошлади. Пахта таннархи йилдан йилга камайиб, олинадиган даромаднинг миқдори ортиб борди.

1964 йилда 1 миллион 338 минг сўм даромад қилиниб, соф фойда олинмаган бўлса, ўтган йили 1 миллион 859 минг сўм даромад қилинди. 487 минг сўм соф фойда олинди. Ана шу ўтган тўрт йил ичида олинадиган даромад 550 минг сўмга кўпайди.

Бу йил эса пахтачиликдан ҳар йилгидан кўп соф фойда олишни назарда тутмоқдамиз.

Биз бу йил машиналардан тагин ҳам унумлироқ фойдаланиш учун ҳаракат қилдик. Деҳқонларимиз йил бошида 1600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 21 центнердан ҳосил олиш ҳақида сўз беришган, механизаторларимиз эса етиштирилган пахтанинг кўпчилик қисмини машиналар билан териб олиш мажбуриятини олишган эди.

Деҳқонларимиз ўз сўзлари устидан чиқиш учун йиғим-теримни тез суръатлар билан олиб бориб, ҳар гектар ердан планда белгиланганидан 2—3 центнер кўп ҳосил етиштирдилар. Пахтазорларда ҳар куни 39 та «зангори кема» тиқилмасиз ишлаб турди. Терим бошланган кунданоқ иш унумдорлиги ортиб борди. Механизаторлар дастлабки кунларда бункерлардан ҳар куни 2—3 тоннадан «оқ олтин» тўккан бўлсалар, кейинги кўрсатгич 4—5 тоннага етказилди. Шу туфайли айрим кунларда йиллик планнинг 4—5 процентига миқдорида пахта тайёрлашга эришдик.

Биз терим пайтида ҳар бир механизаторнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ҳар ўн кунда мукофот бериб бордик. Ана шу муддатда илғорликни қўлдан бермай, кўп пахта терган механик-ҳайдовчига бир қўй ва 25 сўм пул мукофоти бериб турилди.

Бундан ташқари, колхозда биринчи бўлиб пахта топшириш, йиллик планни қисқа муддатда адо этган звено бошлиғи «Рекорд» телевизори билан, терим мавсумида 80 тоннадан ошириб пахта терган механик-ҳайдовчига радиоприёмник, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 30 центнердан оширган звено бошлиғи телевизор билан мукофотланди.

Механик-ҳайдовчиларимизнинг кўпчилиги ўз касбининг моҳир устаси. Улар машина ишлаётган пайтда юз берган айрим камчиликларни ўзлари бартараф қила оладилар. Ҳар бир механик-ҳайдовчи ўз агрегатининг бетиним ишлаши учун ҳаракат қилганлиги туфайли бункерлардан кун сайин кўпроқ пахта тўкишга муваффақ бўлди.

Тиркан Мавлонов, Ҳамроқул Эшбековлар ўзларининг агрегатларини моҳирлик билан бошқариб, ҳар куни 4—5 тоннадан ошириб пахта тердилар. Бу азаматларнинг ҳозиргача терган пахтаси 80—90 тоннадан ошиб кетди. Суюн Абдулаев, Набӣ Иброҳимов, Тожиназар Хирмонов, Мамад Эгамқулов, Карим Эгамбердиев каби илғор механизатор-звено бошлиқлари пахта топшириш йиллик планини муддатидан илгари адо этиб, пландан ташқари мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Машина теримини бу йил ҳар йилгидан ҳам яхши ташкил этилганлиги туфайли колхозимиз пахта топшириш йиллик планини районда биринчилар қаторида адо этди. Давлатга сотилган 3470 тонна пахтанинг 1553 тоннаси, машиналар бункеридан тўкилди.

Малина теримини намунали ташкил этган Турдиали Абдуллаев бошчилик қилаётган участка деҳқонлари 320 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргинг ўзидаёқ пландагидан 4—5 центнер кўп пахта йиғиб олиб, давлатга сотдилар ва йиллик планни 110 процентдан ошириб юбордилар. Топширилган пахтанинг 85 процентини аъло сортларга қабул қилиндик. Шунингдек, Узоқбой Бобобеков, Эсон Нортойлоқов бошчилик қилаётган участка деҳқонлари ҳосилнинг 70 — 80 процентини машиналар билан теріб олиб давлатга пахта сотиш йиллик планини ортиғи билан адо этдилар. Давлатга пландан ташқари 300 тонна пахта етказиб бериш ниятидаги меҳнат қилаётган деҳқонларимиз пахта топширишни қизғин давом эттирмоқдалар.

О. ОТАБОЕВ,
Бекобод районидаги Навоий номли колхоз раиси.

Хатира Бойимбетова Янгийўлнинг донгдор пахтакорларидан биридир. У 10-синфни битиргач, Фрунзе номли колхозда қолиб, механизаторлик касбини ўрганди. Эндиликда эса кўп сонли турсунойчилар қаторида «зангори кема»ни моҳирлик билан бошқармоқда. Хатира мавсум бошидан буён ғайрат билан ишлаб, эл-юрт олдида берган сўзининг устидан чиқди. Суратда: Хатира Бойимбетова.

О. Қозоқбоев фотоси.

Шаҳодат Каримова Янгийўлдаги «Москва» колхозининг энг пешқадам теримчиларидан бири. У ҳар йилги мавсумда бошқалардан ўзиб кетади. Мана, бу йил ҳам шундай бўлаяпти. Унинг ҳозиргача эл хирмонига тўккан пахтаси 10 минг килограммдан ошиб кетди. Ҳозирги кунларда ҳам йиғим-терима ғайрат кўрсатиб ишлаяпти. Суратда: Шаҳодат Каримова.

Механизатор Комил Каримов Бўка райони пахтакорларининг ғалабасига муносиб ҳисса қўшган азаматлардан биридир. У бошчилик қилаётган звено «Ленинизм» колхозида энг юқори кўрсаткичларга эришди. Суратда: механизатор-звено бошлиғи Комил Каримов.

А. Абдалян фотоси.

ҲАШАРЧИЛАР

Осмонўпар пахта хирмонларини бунёд этишда Тошкентдаги «Юлдуз» фирмаси чеварларининг ҳиммати катта бўлмоқда.

Мана 22 кундан бери «Юлдуз» чеварлари Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозида пахта теримида иштирок этиб, ҳар куни колхоз хирмонига 5—6 тоннадан пахта тўкишаяпти. Бу чеварлар кучи билан Улуғ Октябрнинг 51 йиллик байрами кунигача 150 тоннага яқин «оқ олтин» теріліб, муносиб совға тайёрланди.

Шунингдек, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимликлар моддаси химия институтининг 125 кишидан иборат коллективи ҳам далада намунали ишлаяпти. Бу коллектив Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозида шу кунгача 105 тонна пахта терди. Улар мавсум охиригача эса 40—50 тонна пахта теріб, совхоз планини тезроқ бажарилиши учун ўз ҳиссаларини қўшадилар.

С. СУЛТОНОВ.

ҒОЛИБЛАР ҒАЙРАТИ

Ғалаба манзилига етган ғолиб пахтакорлар «Далада ҳосилнинг бирор грамми ҳам қолмагунига қадар ғайрат-шижоатимизни бўшаштирмаймиз!» деган аҳд билан тобора зўр ҳаракат қилишмоқда. Ҳамма ерда Улуғ Октябрь байрами вахтаси қизғин давом этмоқда. Байрам вахтасини давом эттираётганлар қаторида Бекободдаги 2-«Далварзин» совхозининг Рўзимамат Рафиев бошлиқ звенаси пахтакорлари ҳам бор. Улар ғалаба манзилига совхозда биринчи бўлиб етиб келган эдилар. Гектар бошига 26 центнердан ошириб хирмон кўтарган деҳқонлар «давлатга яна кам деганда 150 тонна «оқ олтин» етказиб берамиз» деб аҳд қилган эдилар. Шу аҳднинг устидан чиқиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттиришяпти. Х. Иброҳимова, Т. Рафиева, Т. Абдураҳмонов, Т. Рафиев сингари ўртоқлар бошқаларга ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Т. УСМОНОВ.

БОҒБОНЛАР ТУҲФАСИ

ЯНГИЙЎЛ. Бу йил «Одмазор» совхозининг соҳибкорлари ҳар қачонгидек ҳам баракали ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Йиғим-терим кунларида иш беҳисоб қизитилди. Совхоз давлатга мева топшириш йиллик планини салкам 120 процент қилиб бажарди. Эл дастурхонига 14 минг 228 центнер мева-чева етказиб берилди. Бу планда белгиланганидан 2228 центнер кўп демакдир.

* * *

КАЛИНИН. Райондаги «Дамачи» совхозининг меҳнаткашлари бу йил мамлакатга 3163 тонна мева ва узум етказиб бериш мажбуриятини олган эдилар. Лафзи ҳалол соҳибкорлар фидокорона меҳнат қилиб ўз социалистик мажбуриятларини анча ортиги билан бажардилар. Пландаги 642 тонна ўрнига 870 тонна олма, 920 тонна ўрнига 1400 тонна мева, 1280 тонна узум ва кўплаб миқдорда бошқа маҳсулотлар топширилди.

Шу райондаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг ўртоқ М. Тожиев бошлиқ звенаси соҳибкорлари эл дастурхонига 500 тоннага яқин узум тухфа этиб, социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. Ишбилармон соҳибкорлардан Ғ. Иброҳимов, Т. Шоҳиров, Қ. Мўминов сингари ўртоқлар гектар бошига 25—30 тоннадан узум олишни таъминладилар.

Х. ЯЛДОШЕВ,
Л. МУХСИМОВ.

КЎПЛАБ ГЎШТ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

Коллективимиз фидокорона меҳнат қилиб, давлатга тобора кўп гўшт етказиб берияпти. Ўтган йили ҳам бу соҳадаги планни ошиғи билан адо этиб, топшириқни 134 процент бажарган эдик.

Беш йилликнинг учинчи йили топширигини муваффақиятли адо этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирган молбоқарларимиз, мутахассисларимиз катта ютуқни қўлга киритдилар. Йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Давлатга 500 ўрнига 501 тонна гўшт еказиб берилди.

Биз ҳамма вақт моллариқ юқори семизликда боқилишига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу турдаги қўй семиртириш планини 120 процентга етказиб бажардик. Ўрта даражадаги семиртириш қўйлар бўйича 20 процентни, қорамоллар бўйича 10 процентни ташкил этади. Паст даражада семиртириш эса деярлик бўлмади. Биз эришаётган муваффақиятларимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Ҳар бир бош қорамолни базамизда сақлаб семиртириш учун 73 кун вақт белгиланган. Биз бу муддатни кескин равишда қисқартириш учун курашамиз. Бу билан озуқа бирликларини иқтисод қилиш имкониятига эга бўламиз.

Бу йил қорамолларни боқиш муддатини 62 кунгача қисқартирдик. Белгиланган муддатда ҳар бош қорамолнинг вазнига 40 килограмм қўшиш керак бўлса, биз 51 килограммга етказиб семиртирдик.

Бу соҳадаги планни 130 процент адо этдик. Ҳар бош қорамолни бир суткада 550 грамм семиртириш лозим бўлса, биз уни 900 граммгача етказдик. 1 центнер гўшт етиштиришга сарфланадиган маблағ ҳам кескин равишда камайтирилди.

Шунингдек, бўрдоқига боқилаётган қўйларда ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга киритяпмиз. Белгиланган вақтда зоотехника қоидасига мувофиқ ҳар бош қўйга семиртириш йўли билан 7 килограмм вазн қўшиш керак бўлса, бу 8,2 килограммга етказилди. Қўйлар бўйича белгиланган боқиш муддати 23 кунга қисқарди. Шундай қилиб, давлатга шу кунгача пландан ташқари 1000 центнер мол ва қўй гўшти топширдик.

Бу муваффақиятларни қўлга киритиш учун молбоқарларимиз, қўйбоқарларимиз астойдил меҳнат қилдилар.

Ўз касбининг моҳирлари, ажойиб меҳнатсевар молбоқар ва қўйбоқарлар бригада бошлиқларидан Восил Содиқов, Мурод Қосимов, Фаттоҳ Зиёвутдинов, Қудрат Иброҳимов каби ўртоқлар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Восил Содиқов бошлиқ бригада аъзолари шу кунгача 9600 бош қўй боқиб, семиртириш ҳисобига давлатга 902 центнер гўшт топширдилар. Ҳар бош қўйни пландаги 7 килограмм семиртириш ўрнига 10 килограмм 300 граммдан ошириб юбордилар.

Бундан ташқари озуқа бирлигидан ҳам катта иқтисод қилишга муваффақ бўлдик. Шу кунгача иқтисод қилинган озуқамиз ҳисобига 400 центнердан зиёд қўшимча гўшт етиштириб бериш имкониятига эгамиз.

Базамизда учта катта махсус ҳовузда, моллар учун энг зарур ва фойдали озуқа хлорелла ўсимлиги ўстирилади. Бу ўсимлик моллар берилганда уларнинг иштаҳасини очади, заҳарланиш ҳолларидан сақлайди.

Бизнинг асосий вазифамиз моллари яхши боқиб меҳнаткашларга семиз гўшт етказиб бериш. Бу улуғвор вазифанинг гоят муҳимлигини тўла англаган коллективимиз зиммадаги топшириқни ҳамиша ошириб адо этиш йўлида ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилаётир. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб кутиб оламиз. Базамиз коллективи моллари доим юқори семизликда топширишга эришадилар.

С. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
моллари бўрдоқига боқиш Тошкент марказий базасининг директори.

Суратда: (чапдан) бригада бошлиғи Ф. Зиёвуддинов, чўпон Ж. Рўзиев ва зоотехник А. Абдувалиев ўртоқлар қўйларнинг саломатлигини текширмоқдалар.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАР

Адолат беш йилликнинг учинчи йилида катта мажбурият олиб иш бошлаган эди. У аҳднга яраша мавсум бошидан бери ҳар куни 240—250 килограммдан пахта термоқда. Совхозда бошланғич социалистик мусобақа илғори, шу кунгача 8 минг килограммдан ошириб пахта терди. Пахта теримига тушишидан олдин ўз дугоналарига:

— Бу йилги мавсумда 15 минг килограмм пахта терип мажбуриятини оламан, деб айтган эди.

Сўзи билан иши бир моҳир теримчи Адолат ҳозир шу аҳдига амал қилаётир.

Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг биринчи бўлимида бундай илғор теримчилар кўп. Адолатнинг дугонаси Баргин Назарова бу йил 10 тонна пахта тераман, деб сўз берган эди. У ҳам шу кунларда 150—160 килограммга етказиб «оқ олтин» тўкмоқда.

Совхозда 10 минг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб, кундан-кунга суръатга суръат қўшаётган илғорлар сафи тобора кенгаётир. 6-бўлимдаги теримчилар орасида кўпчилик ҳурматига сазовор бўлаётган Гулсум Жабборова, Матбуот Холиқовалар ҳам шулар жумласидандир.

Гулсум ҳар куни ўртача 205—210 килограмм «оқ олтин» тераётган бўлса, Матбуотнинг терган пахтаси 230—240 килограммга етяпти.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

Шу кунларда далаларга чиқиб пахтакорларга кўмаклашаётган кўплаб ҳашарчилар орасида Янгийўл шаҳридаги 2-босмахона ишчи-хизматчиларини ҳам учратиш мумкин. Улар райондаги Калинин номли колхозда кун сайин ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилишаяпти. Суратда: босмахона ишчиларидан Зуҳра Абдужалилова (чапда) ва Насиба Еқубова ўртоқлар. Улар пахта терилиши ўз ишкасабаларига алоҳида ўрнак кўрсатишаяпти.

Н. Тўраев фотоси.

ИККИ БАРАВАР КЎП УЗУМ

«Одмазор» совхози — Янгийўл районидаги йирик боғдорчилик хўжаликларидан. Совхоз ишчилари фидокорона меҳнат қилиб, ҳар йили мева ва узумдан мўл ҳосил етиштириб эл дастурхонини кўплаб ноз-неъматлар билан таъминлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Соҳибкорларнинг иши беш йиллликнинг учинчи йилида, айниқса, баракали бўлди. Улар давлатга пландаги 18 минг 700 центнер ўрнига 20 минг 500 центнер узум етказиб бердилар.

Совхоз бўйича мавжуд 195 гектар токзорнинг ҳар гектаридан 120 центнерга яқин узум йиғиштириб олинди. Шоҳиҳим Шумуродов, Кўпяшар Султонов, Анастас Допридис ўртоқлар бошлиқ бригада ва звеноларда ҳар гектар ердан олинган узум ҳосили 200—240 центнерни ташкил этди.

Совхоз соҳибкорлари ҳосилни йиғиштириб олиб, боғ ва узумзорлардаги кузги ишларни ҳам намунали ўтказиямоқда.

М. ПЕЙСЕНОВ.

САБЗАВОТ МЎЛ

Пойтахтимиз аҳолисини ширин-шакар ноз-неъматлар билан таъминлашда Калинин районидаги Навоий номли колхозининг ҳам ҳиссаси катта. Бу колхоз сабзавот турлари бўйича топширикни муваффақиятли адо этганлиги ҳақида яқинда рапорт берди.

Хўжалик тайёрлов пунктларига пландаги 3300 ўрнига 3400 тонна маҳсулот етказиб берди. Бу катта ютуқни қўлга киритишда Қорабой Рихсибоев бошчилик қилаётган 3-звено аъзоларининг ҳиссаси айниқса, катта бўлди.

Сабзавотчилар пландаги 1000 тонна ўрнига 1140 тонна картошка етказиб бердилар. Колхоз полизчилари эса 900 ўрнига 1000 тонна қовун-тарвуз тайёрладилар.

Колхозда маҳсулот тайёрлаш қизғин давом эттирилмоқда.

З. ҚОДИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭСТОНИЯ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

УНУТИЛМАС КУНЛАР

ЭСТОНИЯ ТААССУРОТЛАРИ

Эстония... Нуқрасимон оролар, осмонга кўзгу бўлган Болтиқ, бошқа узра харир булутлар сузган қуюқ ўрмонлар...

Қўлларида гул тутиб, ўзбек адабиёти ва санъати декадаси вакилларини очиқ чеҳра, қувноқ қўшиқлар билан кутиб олган эстон дўстларимиз ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Поездимиз Болтиқ этакларига қошлар экан, ҳар бекатда ўзбекистонликлар юрагига ҳаяжон солувчи эстон мусиқаси янграйди. Таллинга етиб келдик. Яна қўшиқ баграга олди. Ўзбек карнай-сурнайи эстон оҳангларига уланиб кетди.

Ўзбек қўшиқ ва рақсларини тўймай томоша қилган дўстларимиз маҳоратимизни олқишладилар.

Биз Сааремадамиз. Оролнинг ҳамма мезбонлари биз келзётган паромни кутиб олишга ошиқаяпти. Биз эстон шонраси Лидия Койдула ижод этган Пярну шаҳридамиз. Ўзбек шеърини эшитишга ташна мазкур курортнинг барча дам олувчилари ва маҳаллий халқи гавжум залда жой тиғизлигидан ҳатто тик туришибди. Улар ўзбек тилида шеър ўқишимизни илтимос қилишди. Тингловчилар олқишга жавоб, шоир Туроб Тўла Навоий газалларини ўқиганида яна гулдурос қарсаклар янгради.

Курорт шаҳри ўзининг озодалиги, гўзаллиги билан ҳаммамизни мафтун этди. Айниқса, Лидия Койдуланинг уй-музейини қизиқиб томоша қилдик. Лидия яшаган зулм, истибдод даврида аёллар тақдири бизнинг ўтмиш шоираларимиз тақдирини эслатади. Лидия ўзини гулга ўхшатиб, қуйидагича ёзган эди:

Ўхшамайди эрам гулига,
Оддий дала гули у, кўрксиз.
Ҳеч ким уни олмас тилига,
Ҳеч ким уни солмас дилига.

Лидия Совет замонасида ўз поэзиясининг юксак баҳосини олдиндан билолмади, албатта. Ҳозир Эстонияда шоранинг номига қўйилган театр, кўчалар, мактабларни кўп учратиш мумкин. Унинг шеърияти ўзи айтгандай «булбул ноласи» эмас, булбул қўшиғидай янграб турибди.

Менинг хотирамда эстон совет адабиётининг таниқли вакили шоира Дебора Вааранди ва адиба Лилли Промет билан қилинган суҳбатлар чуқур из қолдирди. Деборанинг оналик туйғуси билан тўлиб-тошган поэзия ва лирик, аммо жўшқин шеъриятни юрагимда ҳавас уйғотди.

Декада давомида шеърлар ўқишдик, шеърлар тингладик. Бироқ, кунларимиз фақатгина шеър билан ўтмади. Эстония ёзувчилар Союзи правлениеси раисининг ўринбосари Виллем Гросс Таллин ва бошқа шаҳарларнинг нодир ёдгорликлари билан бизни тўла таништиришга ҳаракат қилди. Ҳатто Болтиқ денгизида узукун сайр этишга ҳам тўғри келди.

Бу сайрдан олган таассуротларимни қуйидаги сатрларда мужассамлантиришга уриниб кўрдим:

Денгизимиз осмондай улкан,
Ярим ойдан қалқиган елкан.
Денгиз эмас, қувонч бағрида
Сузмоқдамиз илҳом нафрида.
Муху, Пунту, гўзал Сааремаа —
Уч томчидай сочилган деманг,
Уч томчидай эгизак орол —
Юраклардан кўриклари бор.
Қалбимизнинг тўлқин садосин,
Оққуш билан денгиз сабоси,
Қанотига олиб кетади,
Болтиқ узра қўшиқ элтади.
Сайримиз ҳам мисоли денгиз,
Бўлса дердик адосиз, тинсиз,
Елканимиз қайрилди бирдан,
Сувга чўкди шўхликлар бир дам.
Чеҳраларга сизди жиддийлик,
Кўзлар боқди бир белгига тик.
Шодликларни боғлади ҳаёл,
Орзуларга чоғлади ҳаёл.
Чегарага чегара қўйиб,
Муҳаббатга ғарқ тўлиб-тўйиб,
Чегарасиз яшаса инсон,
Чегарасиз яшаса замон.
Чегарадан тошса қувончлар,
Камол топса имон, ишончлар,
Эзгу бўлиб туғилса ният,
Тинчлик, дўстлик, бахт ва ҳаммият.
Чегарани билмаса қўшиқ,
Учаверса қалбларни қўшиб,
Чегарасиз бўлса сув, осмон,
Чегарасиз сайр этса инсон.

Эстониядан қайтиб келганимдан сўнг бир неча кун ўтгач, мен Пярну шаҳрида истиқомат қилувчи ўқитувчи Л. Лаурдан хат олдим. У ўз хатида ўқувчиларга декламация учун ўзбек тилида шеърлар юборишимизни илтимос қилиб, қуйидагиларни ёзибди: «Мен ўзбек санъаткорларининг концертини кўриш бахтига сазовор бўлдим. Санъаткорларингиз маҳоратига қойил қолдим. Ўзбек рақсларининг нозик, сермазмун ҳаракати, куй-қўшиқларингизнинг лирик оҳанглари фақат мени эмас, балки ҳамма эстонлар қалбини забт этди».

Дарҳақиқат, эстон меҳнаткашларининг бу хати бутун эстон дўстларимизнинг санъатимизга берган юксак баҳосидир.

Бугун дилимизда эстон дўстларимиз. Биз ҳам уларга қалбимизни очиб, меҳр-муҳаббатимизни ҳадия этиб, ҳақиқий қариндошлар, дея қучоқ очамиз.

Гулчеҳра ЖУРАЕВА.

Лидия КОЙДУЛА

ҚИРЛАР, ДАЛАЛАР

Қирлар, ўрмон, далалар,
Эстониям, азиз диёрим.
Муқаддас куй жаранглар,
Сени куйлар қалб торим.
Қирда яшнар арчалар,
Земляника соҳилда,
Шохда сайрар чўғурчуқ,
Анҳор қишлоқ ёнида.
Бари куйлар азмингни,
Элимнинг дўст ҳамдамн.
Истиқболга орзуманд,
Дилда ўтмиш ғам дамн.
Менинг нафис дўстларим,
Бардошимни куйлашар
Гўзал улар одати,
Эзгуликни сўйлашар.
Бу тинмас куй, қўшиққа,
Бу туганмас сўзларга.
Дўст, нега жим турайлик,
Ким ишонмас бизларга.
Эстониям жонажон,
Сенинг тоҳе, тақдиринг,
Мағрур руҳинг сўнмагай,
Сўйлар уни куйларинг.

Назармат таржимаси.

Ўзбекистонда ўтаётган эстон адабиёти ва санъати декадаси кунларида А. Навоий номли опера театрида эстон опера ва балетлари намойиш этилади. Суратда: «Темир уй» операсидан бир кўриниш. Иге ролида Эстония ССРда хизмат кўрсатган артист Лидия Панова, Пээтер ролида артист Илларт Орав.

Г. Вайдла фотоси.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55—**Кўрсатишлар программаси**, 18.00—**Телеэнциклопедия** (ўзбек ва рус тилларида), 18.25 — **Концерт** (ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.00—**Ўзбекистонда Эстон адабиёти ва санъати декадаси.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан—**Москва кўрсатади.**
18.00 дан—**Душанба кўрсатади.**
20.00 дан—**Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00—**Кинофильм**, 20.20—**Дўстлик саҳифалари**, 20.35—**Дўстларимиз эстрадаси**, 21.30—**Қабристон орқали** (бадиий фильм).

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭСТОН САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21, 22, 24, 25 ноябрь кеч соат 8 да

«ЛАЙНЕ»

ЭСТОН ЭСТРАДА АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Бадиий раҳбар — Эстония ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор ГЕННАДИЙ ПОДЕЛЬСКИЙ

Бутуниттифоқ совет қўшиқлари конкурси дипломанти ВЕЛЛО ОРУМЕТС (жаҳон халқлари қўшиқлари).

ЭЛОНА СПРИЙТ—АНТС ВАХЕЯУС, Хайди ТАММЕ, Рудольф МИХАЙЛОВ, Велло МАРКЕН (эстрада куйлари). **ЧОЛғУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.**

Билетлар концерт зали кассасида ҳар куни соат 2 дан сотилади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭСТОН САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

23 ноябрь кеч соат 8 да

ЭСТОНИЯ САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

Э. КЭЭМ (меццо-сопрано), А. ВАЛЬДМА (фортепьяно), Х. САММЕЛЬСЕЛЬГ (сопрано), ТЪВЕЛЬМЕТ (виолончель), Е. СОЛОВЬЕВА (сопрано), Ю. ГЕРРЕЦ (скрипка), Э. ТОРДИК (бас), **Эстония ССРда хизмат кўрсатган артист Айме ЛЕИС ва Янис ГАРАНЦИС** (балет). Ю. ВИЛИМАА (балет), В. ТАММАН (аккордеон), **Эстония ССРда хизмат кўрсатган артист** Р. ПИКГО (балалайка). **Эстония ССРда хизмат кўрсатган артист** Х. ВАЗАР (кўғирчоқлар), А. ХИМБЕК **қатнашадилар.**

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИНИНГ КАТТА ЗАЛИДА

22 ноябрь кеч соат 8 да

СИМФОНИЯ КОНЦЕРТ

Ижро этади — Ўзбекистон ССР Давлат филармонияси симфоник оркестри.

Дирижёр — Эстония ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби

ОЛЕВ ОЯ

солист— пианиночилар республика конкурси лауреати (1-премия)

АРБО ВАЛДМА.

ПРОГРАММАДА

1-бўлим:

Бетховен — «Кориолан» увертюраси

Гайдн — оркестр билан фортепьяно учун концерт;

II-бўлим:

В. Капп — Иккинчи симфония.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИНИНГ КАТТА ЗАЛИДА

25 ноябрь кеч соат 8 да

СССР халқ артисти ТИЯТ КУУЗИК

КОНЦЕРТИ

(баритон).

Программада: совет, ғарбий Европа ва рус композиторларининг асарлари.

Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Резидентнинг хатоси (1-серия) — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Вена почта маркаси (кундуз соат 5 да), **Оловли йўллар** (кундуз ва кечқурун) — «МОСКВА».

Олтин ўқ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

«ТАШЗАГОТПЛОДООВОЩТОРГ»НИНГ ҚУЙЛИҚ ҚИШЛОҒИДАГИ 3 ВА НАЗАРБЕК ҚИШЛОҒИДАГИ 4-МЕВА-САБЗАВОТ КОМБИНАТИГА

(доимий ва вақтли ишга) совитиш ускуналари бўйича инженер, ремонтчи-монтажчи электриклар, электрокар ремонтчи слесарлар, электрокарчилар, омбор мудири, зарядчи электриклар, экспедиторлар, бош бухгалтерлар, бухгалтерлар, ишчилар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 132-уй, (7, 14-трамвайларнинг «Лесосклад» бекати).

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР МАРКАЗИГА

турбина ва қозон машинистлари ҳамда шу касбларга шогирдлар, иссиқлик-қуч-ланиш жиҳозларини тузатиш бўйича слесарлар, химия цехи аппаратчилари, қоровуллар, шоферлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 58-уй (7, 9, 11-трамвайлар, 2, 6-троллейбуслар, 3, 6, 18, 23, 26, 54, 59-автобуслар-нинг «Театральний» бекати).

БЕКТЕМИР ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИГА

катта лаборант, бош бухгалтер

КЕРАК

Олти ойлик муддатда уй берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бектемир поселкаси, Новая жизнь кўчаси, 68-уй (17-автобуснинг «9 автобаза» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ОБЛАСТЬ БИРЛАШГАН АВТОЗАПРАВКА СТАНЦИЯСИ БОШҚАРМАСИГА

мустақил баланс юритувчи катта бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 22-уй. Телефонлар В-3-10-49, В-3-10-29.

«СРЕДАЗСТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 18-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КОЛОННАСИГА

қурилиш усталари, прорабларр, 1, 2, 3, класс шоферлари

КЕРАК

Иш кўчма характерда бўлганлиги учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади. Йилига бир мара темир йўлда юришга бепул билет берилади.

Қабул қилинганлар уй билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 2-тупик (18-автобус, 7, 14-трамвайларнинг «Тахтаомбори» бекати).

Телефон В-9-25, 43-38.

ОБЛАСТЛАРАРО 1-АВТОМОБИЛЛАР ТРЕСТИНИНГ 10-ЧИРЧИҚ АВТОБАЗАСИГА

олий ва ўрта-техник маълумотли ҳамма касбдаги автомобилчилар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан, оилалилар бир йиллик муддатда квартира билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Чирчиқ шаҳар, Юбилей кўчаси, 9-уй. Телефон 31-83, 51-15.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қўйлиқ савдо базаси «Узлесстройторг» Ҳамза район тахта савдоси базаси «Узглавтара» деб

НОМЛАНДИ

СПОРТ

КУБОК «ХИМИК» ФУТБОЛЧИЛАРИДА

Чирчиқ шаҳар футбол федерацияси Ленин комсомолининг 50 йиллиги ва Совет футболининг 70-йиллиги шарафига бағишлаб ўтказган турнир бир ой давом этди.

Жиддий курашлардан сўнг финалга «Химик» ва «Промтехмонтаж» командалари чиқди. Кимёгарлар стадионида ўтказилган финал учрашув 3:1 ҳисобида «Химик» фойдасига тугади. Ғолиб команда кўчма мукофот ва ёрлиқ билан тақдирланди.

СУЗУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Чимён спорт клуби ҳавзасида сузувчилар ўртасида шаҳар шахсий-команда биринчилиги мусобақалари бўлди. Бунда Олмалиқ ва Ленинободдан келган меҳмонлар ҳам қатнашди. 100 метрга эркин усулда сузишда ленинободлик В. Ким ва чирчиқлик Г. Овчинниковлар маррага ҳаммадан олдин келишди. Олмалиқлик В. Карабейников ҳам яхши натижа кўрсатди. Мусобақа давомида 16 спортчи разряд нормативларини бажарди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ШАХМАТ-ШАШКА

Жаҳон чемпиони Тигран Петросян билан шу номга даъвогар гроссмейстер Борис Спасский ўртасидаги матч келгуси йилнинг 14 апрелида бошланиши ҳақида томонлар келишиб олдилар. Рақиблар йигирма тўрт ўйин ўтказишлари керак. Маълумки, 1966 йили шу икки шахматчи ўртасида жаҳон биринчилиги учун бўлган матч 12, 5:11,5 ҳисобида Петросян фойдасига тугаган эди.

* * *

Озарбайжон пойтахтида рус шашкаси бўйича СССР биринчилиги мусобақалари давом этмоқда. Мамлакат чемпиони номини олиш учун курашаётган қуйилар орасида тошкентлик мастер Шариф Еқубов ҳам бор. Ҳамшаҳримиз ҳозирча пешқадамлар сафига киролгани йўқ. У дастлабки ўйинларни дуранг қилгач, бешинчи турда мастер Кустарева ютқазиб қўйди. Ўйлаймизки, тажрибали ўзбек шашкачиси кейинги турларда аҳволини яхшилаб олар.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

КАМБОДЖАГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИК

ПНОМПЕНЬ, 19 ноябрь ТАСС мухбири **О. Широков** хабар беради:

Америка ҳарбийлари кейинги ойлар ичида тинчликсевар, бетараф Камбоджа давлатига қарши энг йирик қуролли иғвогарлик қилдилар. Бу воқеа 16 ноябрь эрталаб соат 7 дан 30 минут ўтганда рўй берди. ТАСС мухбири кеча Кампот вилоятининг ваҳшиёна ўққа тутилган қишлоғини бориб кўрди.

Воқеа рўй берган жойда қуйидагилар аниқланди: тўп ва оғир пулемётлар билан қуролланган ва тез сузадиган уч катер Занғтхань дарёсидан Камбоджа аёл деҳқонларининг бир группасини ўққа тутганлар. Вертолётлар бу катерларни пана қилиб турганлар. Аёллар чегарадан 300—400 метр масофадаги шолипояда ишлар эди. 20 минут давом этган ўққа тутиш натижасида тўққиз аёл ва уч бола, шу жумладан эмизикли бир бола ўлган.

Ўлдирилган аёлларнинг оилаларида неча ўнлаб етим-есир қолган.

ТАСС мухбири ана шу ваҳшиёна ҳужум вақтида яradор бўлган яна олти аёл ётқизилган госпитали бориб кўрди.

Камбоджа армиясининг майори Том Сараванн мухбирлар билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Камбоджа территориясини ўққа тутган катерларда Америка байроклари яққол кўриниб турган эди. Катерлар Камбоджа чегарасини кўрсатиб турган Камбоджа давлат байроғини кўролмай қолишлари мумкин эмас эди.

Ўққа тутилган шолипояда фақат хотин-қизлар бўлганлиги Америка империалистларини одатда ўзлари фойдаланиб келган сохта баҳоналарни рўкач қилишдан маҳрум этади. Америка империалистлари Жанубий Вьетнамнинг гўё бу ерга яширинган ватанпарварларига қарши кураш мақсадида Камбоджа территориясига ҳужум қилинмоқда, деган сохта баҳоналарни ишлатиб келмоқдалар.

Кейинги вақтларда Америка ҳарбийлари ва Сайгон қўғирчоқларининг бетараф Камбоджага қарши қуролли иғволари авж олиб кетди. 1 июлдан бошлаб Кампот вилоятидагина ўн бир марта қуролли иғвогарлик қилинди.

СЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПРАГА, 19 ноябрь. (ТАСС). Чехословакия Телеграф агентлиги хабар беради: бугун Братиславада Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми очилди.

Пленумда Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак доклад қилди.

М. ДРЮМО — БЕЛЬГИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ РАИСИ

БРЮССЕЛЬ, 19 ноябрь. (ТАСС). Марк Дрюмо яна Бельгия Коммунистик партиясининг раиси қилиб сайланди. Бу қарор Бельгия Коммунистик партиясининг 19 съездидан кейин, янгидан сайланган марказий комитетининг мажлисида қабул қилинди. Жан Терф ва Франс Ван ден Бранден партиянинг Валлон ва Фламанд қанотидан Бельгия Коммунистик партияси раисининг ўринбосарлари қилиб сайландилар.

ИСРОИЛ ҚУШИНЛАРИ ЯНА ЎТ ОЧДИ

ЛОНДОН, 19 ноябрь. (ТАСС). Исроил араб давлатлари билан чегарадош жойларда аҳволни тобора кескинлаштирмоқда. Рейтер агентлиги мухбирининг Аммондан хабар беришича, бугун тўрт соат мобайнида Исроил ва Иордания қўшинлари ўртасида отишма давом этган. Иордания ҳарбий қўмондонлигининг расмий вакили исроилликлар Аладасия деган жойда (Ордан дарёси водийсининг шимолий қисми) Иордания позицияларига ўт очганлигини хабар қилди. Бу тўқнашув давомида Иордания томони талафот кўрмади.

НОДЎСТОНА ҲАРАКАТ

БЕЛГРАД, 19 ноябрь. (ТАСС). Югославия ташкилотлари Печати Новости агентлиги томонидан Югославияда серб-хорват тилида чиқариладиган «Земля совета» номли совет журналини нашр этиш ва тарқатишни тўхтатиб қўйдилар. Бу журнал Совет Иттифоқидаги ҳаётни ёритади ва совет ҳамда югослав халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Югославиядаги баъзи муассасаларнинг ана шу нодўстона ҳаракатлари натижасида бу журналнинг Белград озод қилинган кунининг 24 йиллигига ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 51 йиллигига бағишланган навбатдаги сони босмадан чиқарилмади ва обуначиларга ҳамда газета киоскаларига етказиб берилмади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телетайп ЛЕНТАСИДАН

МАЙЯ ПЛИСЕЦКАЯ ГАСТРОЛЛАРИ

ГАВАНА. Кубада машҳур совет балеринаси Майя Плисецкаянинг гастроллари бошланди. Майя ўзининг биринчи чиқишини Гарсиа Лорки театрида бошлади. Кубалиқ балет ихлосмандлари Плисецкаянинг ҳар бир чиқишини қарсаклар билан кутиб олишяпти.

МАЛИДА ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ

КОТОНДУ. (ТАСС). Бамако радиосининг хабар беришича 19 ноябрда Мали республикасида ҳарбий тўнтариш бўлган. Бу тўнтариш натижасида президент Модибо Кейта вазифасидан олиб ташланган.

Тўнтариш раҳбарларидан бири майор Мусса Траоре Мали радиоси орқали гапириб эндиликда бутун ҳокимият «миллий тикланиш» ҳарбий комитетининг қўлида бўлади деди.

ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

АФИНА. Афина ҳарбий трибунали август ойида Афина бош министри Пападопулосининг ҳаётига суиқасд қилишда айбланаётган бир гуруҳ одамлар устидан оғир ҳукм чиқарди.

А. Панагулис бош министр ҳаётига суиқасд қилгани ва грек армиясидан қочганлиги учун, ҳозирги режимни тўнтариб ташлашга ҳаракат қилгани учун ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Э. Вериванис умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

НОРВЕГИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҚАҲР-ҒАЗАБИ

ОСЛО. (ТАСС). Грециянинг машҳур ўғлони А. Панагулис ўлим жазосига ҳукм қилиниши Норвегия меҳнаткашларининг қаҳр-ғазабини уйғотмоқда. Норвегия ишчи партияси марказий правлениеси Греция ҳукуматига телеграмма юбориб унда грек ватанпарварига чиқарилган ўлим жазосини бекор қилишни талаб қилди.

БЕШ МИНГ КИШИЛИК НАМОЙИШ

ПАРИЖ. Сен-Шели Дъапшердаги (Лозер департаменти) Кафл фирмаси заводи ишчиларидан 420 кишига уларнинг келгуси йилда ишдан бўшатилажаги маълум қилинди. Ишчилар маъмуриятнинг ана шу қарорига қарши норозилик билдириш юзасидан забастовка уюштирдилар. Айни вақтда шаҳарда намойиш ўтказилди. Бу намойишда 5 мингдан ортиқ киши қатнашди. (ТАСС).

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1969 йил учун обуна қилиш давом этмоқда.

Обуна баҳоси:
1 ЙИЛГА — 5 сўм 28 тийин.
ЯРИМ ЙИЛГА — 2 сўм 64 тийин.
Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма тармоқларида ҳамда бевосита иш ёки ўқиш жойингизда қабул қилинади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Р. 16738. ИНДЕКС — 6469, № 1965.